

# HUQUQ

# 16

(435)

YURIDIK GAZETA

April

D.	3	10	17	24	
S.	4	11	18	25	
Ch.	5	12	19	26	
P.	6	13	20	27	
J.	7	14	21	28	
Sh.	1	8	15	22	29
Y.	2	9	16	23	30

2006

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

**Таркибий ислохотлар қўламларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳамда иқтисодийни модернизациялаш, уни ўстиришнинг барқарор юқори суръатларини, барқарор ва мутаносиблаштирилган макроиктисодий кўрсаткичларни таъминлаш, хусусий мулкчилик секторини мустахкамлаш ва бизнес учун қўлай муҳитни шакллантириш, аҳоли даромадларини ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарти сифатида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш—Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 2005 йилда мамлакатни иқтисодий ислохотларнинг асосий қўлқўралиги ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида кўйилган асосий вазифалар ана шулардан иборатдир.**

акциялар ва улушларнинг давлат пакетлари мулкчиликнинг нодавлат шакллари айлантирилди ва биржа ҳамда биржадан ташқари савдоларда, улардан 142 (68,2%) объект тўлиқ хусусий секторга сотилди.

Хукумат томонидан ишчанлик муҳитини яхшилаш, солиқ юқини пасайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг юқори

ласидандир. Навоий-Учкудук—Султон Увайстог-Нукус темир йўли линиясини реконструкция қилиш, Тошкент иссиқлик энергия марказини модернизациялаш, Резаккой сув омборини ва бошқа шу каби йирик объектларни қуриш ишлари давом эттирилди.

Маҳаллийлаштириш дастурини бажариш қўлами кенгаймоқда. Уни амалга ошириш доирасида бугунги кунда 119 корхона ишляпти, ўтган

хани ривожлантиришга катта эътибор берилди. Соғлиқни сақлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимларини ислох қилиш дастурларида, шунингдек, «Ҳонимлар ва шифокорлар йили» Дастурида назарда тутилган тадбирлар режалари асосда амалга оширилмоқда.

Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақса-

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш натижаларини таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукумати-нинг 2006 йилда иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлаш бўйича вазифаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 апрелда бўлиб ўтган мажлиси қатнашчиларининг диққат маркази бўлди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди.

Иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш давомида мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришда ижобий сифат билан кўришга эришилди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 2005 йилнинг шу давридагига нисбатан 3,6 фоизга ўсди. Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш

ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг саноатда 6,8 фоизга, қишлоқ хўжалигида 4,5 фоизга, қурилишда 3,6 фоизга, транспорт ва алоқа тармоқларида 7,3 фоизга, савдо ва умумий оватларини соҳасида 6,3 фоизга кўпайишига эришилди. Ушбу ижобий жараён инвестицияларни ва экспорт ҳажмларини кўпайтириш орқали мустахкамланди. Давлат бюджети профицит билан икром этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси 387,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва таркибий ўзгартириш бўйича кўрилган қатъий чора-тадбирлар таркибий ўзгартирилаётган 484 корхонадан 324 тасида ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият кўрсаткичларини яхшилаш имконини берди.

Хусусийлаштириш дастурига мувофиқ 208 корхона, объектлар ҳамда

суръатларда ўсишига ҳамда уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2005 йил 1 чорагидаги 28,2 фоиз ўрнига 30,1 фоизгача кўпайтиришга ёрдам берди.

Иқтисодийдаги таркибий ислохотлар қўламларини кенгайтириш ва уни модернизациялаш мақсадида 615,6 миллиард сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, улардан 67 фоизини ишлаб чиқариш мақсадидаги инвестициялар ташкил қилди. Ўзлаштирилган хорижий кредитлар ва инвестициялар миқдори 86,9 миллион долларни, шу жумладан тўғридан-тўғри инвестициялар 57,1 миллион долларни ташкил этди.

Бир қатор корхоналар фойдаланишга топширилди, трикотаж газлама ва тайёр трикотаж буюмлар ишлаб чиқарадиган «ТошКая текстил», ип-кавалар ишлаб чиқарадиган «Маргилонтекс», «Баликчи-текс» қўшма корхоналари шулар жум-

йилнинг шудавридаги нисбатан 1,2 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳисобланган самараси 241 миллион долларни ташкил қилди.

Истеъмол бозорини, савдо ва гулли хизматлар кўрсатишни ривожлантиришда, уй-жой-коммунал хўжалигида ислохотларни амалга оширишда ижобий натижалар кузатилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги қайта ўзгартирилган чуқурлашмоқда. Тармоқда ялпи маҳсулотнинг ўсиши 2005 йилнинг тегишли давридаги нисбатан 104,5 фоизни ташкил қилди. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш суръатлари ошмоқда. Қайта ташкил этиш жараёнига 219 мевасазавотчилик ва узумчилик ширкатлари қўшилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларини ҳал этишга, иқтисодий со-

дакта мактабларнинг махсус комиссиялари қарорлари билан ўқувчиларнинг 41 фоизига мактабларнинг махсус ташкил этилган директор жамғармаларидан тўланадиган устамалар белгиланди, қарийб 370 миң тиббиёт ходимлари янги тарификация бўйича иш ҳақи олишмоқда, унга мувофиқ иш ҳақининг ўсиши ўртача 30 фоизни ташкил қилди.

Шу билан бирга, мажлисда иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг қатор йўналишлари бўйича белгиланган топшириқлар тўлиқ бажарилмаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Шу муносабат билан эришилган натижаларда тўхтаб қолиш мумкин эмаслиги, балки республика ҳукуматининг жорий йилнинг 10 февралдаги мажлисида белгиланган вазифаларнинг босқинча-босқинча амалга оширилишини таъминлаш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида



Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Евроосиё гуруҳи раиси Виктор Зубков бошчилигидаги делегация амалий таъриф билан Ўзбекистонда бўлиб турибди.

2006 йил 18 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидхон Қодиров мазкур делегация аъзоларини қабул қилди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров айна дамда МДХ республикаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш институтларини ташкил этиш жараёни муваффақиятли бораётганлигини таъкидлаб ўтди.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг миллий тизимини шакллантириш масалалари Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Учрашув чоғида мазкур муаммонинг ечими борасида мамлакатимиз парламенти томонидан 2004 йил 26 августда қабул қилинган ва 2006 йил 1 январдан қучга кирган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни муҳим



аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Айна дамда Республика-мизда мазкур қонуннинг ижросини таъминлаш борасида қатор ташкилий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Евроосиё гуруҳи раиси Виктор Зубков, Россия молиявий мониторинги хизмати-нинг ташаббуси билан 2004 йил октябр ойида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Евроосиё гуруҳи ташкил этилгани, унинг бугунги кундаги амалий фаолияти борасида тўхталиб ўтди. Дастлаб унинг таркибига Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Россия, Тожикистон қўшилган. 2005 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон ҳам ушбу ташкилотнинг доимий аъзоси бўлди.

Россия делегациясининг мазкур соҳада тажрибаси катта эканлигини ҳисобга олсақ, учрашув томонлар учун анча самарали кечди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот маркази. А.ТўРАЕВ олган суратлар

#### Tashrif

#### Parlament faoliyati

**Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи йиғилиши бошланди. Унда иқтисодий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, юрт фаровонлигини юксалтиришга қаратилган саккизта масала муҳокама қилинади.**

#### Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси

Қуйи палата ялпи мажлисини Қонунчилик палатаси спикери Эркин Халилов очиб берди. Кун тартибидagi биринчи масала — «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» қонун муҳокамаси оюсидан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Алишер Мўминов маъруза қилди. Шундан сўнг ушбу қонун депутатлар томонидан модда-модда муҳокама қилина бошланди.

Маълумки, мустақиллик йилларида уй-жойларнинг 98 фоиздан ортироқ қисми хусусийлаштирилган. Бинобарин, фуқароларнинг уй-жойларга бўлган эғалик ҳуқуқини тўлиқ юзага чиқариш мақсадида аввал қабул қилинган қонунларга ўзгартириш киритиш зарурати туғилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва уй-жойга эғалик муносабатларида бозор иқтисодий нормаларини кенг-роқ жорий этиш тамойилига асосий эътибор қaratилди. Депутатлар Эркин Юсупов, Азамат Зайит, Ўзидор Кочмарик, Зиёдулла Убайдуллаев, Абдил Тўхташевлар ўз нукта назарини баён қилар экан, уй-жойларни бошқаришни ташкил этиш, лойиҳада келтирилган баъзи юридик терминларнинг тўғри қўлланилиши масалаларига алоҳида тўхталишди.

Бугун Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.







Ҳолливуд киноусталарининг бир машҳур филмида маняк қотил ҳақидаги кино суратга олинмиши жараёнида кинорежиссёр ва актёрларнинг кадр ортидаги маҳоратлари ҳамда кўз илгамайдиган жойларнинг сирлари очиб берилди. Томошабин юрагини ховучлаб филми томоша қилар экан, пировардида воқеалар чалкашиб кетади. Кадрда манякнинг родини ўйнаётган актёр ўрнида ҳақиқий қотил пайдо бўлади. Кинопавильонда ваҳшийликлар намоён этилар экан, бундайроқ кинотомошабин икки манякнинг қай бири ҳақиқий эканлигини сеанс давомида фаҳхламай қолади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган воқеа кино ҳақида бўлмаса-да, қайсидир маънода унга ўхшаш. Жиноят юз берар экан, бу кўргуликнинг ҳам асосий сабабчиси бирдан кўзга ташланмайди. Қандай қилиб инсон боласи жиноятга қўл уради? Кингир ишнинг келиб чиқиш сабаблари кўпчилики бепарқ қолдирмаса керак. Жиноятни бартараф қилиш бир масала бўлса, унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ҳам ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.



бўлди. Катта балиқни қармоққа илинтириш учун ҳўрак керак бўлиб қолди.

Н. «ов» қилиши лозим бўлган туман ҳудудида жойлашган интернет кафеларда дайдиб, ўйин ва киноларга пули етмай қарз бўлиб юрадиган йигитни кўзи остига олди. Рашид билан танишиш унчалик қийинчилик туғдирмади-ям. У болага бир неча сеансга етадиган пул берганида мушқули осон бўлди-қўйди.

— Бўлиб туради, жўра, менда ҳам пул бўлмаган пайтларда яхши одамлар тўлаб юборарди, — деди Н. Йигитчанинг ишончини қозонганига амин бўлиб.

Шундай қилиб Н. Рашид билан қалин бўлиб олди.

Халқимизда «олмоқнинг бермоғи бор» деган нақл бор. Бу дунёда ҳеч нарса текинга берилмайди. Бу гапларни вояга етмаган бола қаердан билади дейсиз. Бу ёшда эрка болалар фақат ўз яқинларигагина шикаст етказадилар. Бегона одамларнинг ғаразли ёрдамлари тағида нима ётганини тушуниб етмайдилар. Яқинда орттирган бу танишининг «олижаноблик»лари Рашидни батамом жодулаб қўйган эди. Рашид бу отадан ҳам яқиндек бўлиб туолган дўстидан ич-ичидан миннатдор бўлиб, қандай қилиб бўлса ҳам яхшиликларини қайтаришни кўнглига тугиб қўйди.

Бир куни ярим кечаси ота-онасига билдирмай Н. нинг илтимоси билан кўчага чиқиб кетди-ю... Кейин... тонг яшнширасида уйга қайтиб келди. У ҳеч кимга билдирмай ваннахонага кирди-да, қўлидаги ва уст-бошига юқиб қолган қон изларини ювиб тозалади...

\*\*\*

Бир-неча кунлардан сўнг даҳада Рашидларнинг қўшниси — такси ҳайдовчиси Одил ақанинг бир ташландиқ хиёбондан жасади топиладиган ҳақида гап-сўз тарқалди. Икки ишлар ходимлари Рашидларнинг уйи остонасига ҳақиқат эшик кўнгиригини босгунларича йигитча телбадай бўлиб юрди. Қўнғирроқ чалинганда назарида вақт тўхтаб қолгандек эди. Бирданига унинг хаёлида «ота-онанинг айтганини қилсам бўлар экан» деган фикр алангадай бўлиб ёнди. Ҳаёти поёнига етгандек туюлди. Н. нинг жиноятчи қотил эканини билмаган экан. «Одил ақани... шундай қилмаса ҳам бўлар эди-ку?! Нега унга қўшилдим? Нималар қилиб қўйдим, эссиз?... Бу кино эмас, ҳаётдаги қотиллик эди.

Эшик очилиб уйга маҳалла профилактика инспектори ва бир неча ички ишлар ходимлари кириб келишди. Рашид уларни кўриши билан тили калимага келмай қолди. Вояга етмаган қотил ҳаммасини тушуниб турарди.

— Рашид, мен сенинг бу жиноятга адашиб аралашиб қолганини тушунаман, тергов пайтида бор ҳақиқатни гапир! Шунда иккор бўлганинг ҳам ҳисобга олинади, — деди профилактика инспектори, майор Толиб Зоиров. Йигитнинг отаси ўғлининг шундай жиноятга қўл урганга ишонмай талмовсираб қолди. Онаси йиғлаб юборди. Уша даҳшатли туши ёдига тушди.

Рашид ғуруҳ бўлиб одам ўлдир-

Энди кеч бўлган, Рашид ота-онасини тушунмас, уларнинг ўзгариб қолганини негадир нотўғри қабул қилар эди. Эрка боланинг бирдан руҳияти чўкиб, тез-тез жаҳл қиладиган одат чиқарди. У илгаригидан икки чандон кўп бебошлик қилар, айтилганларнинг тексарисини бажарарди. Бола шу қадар худбин, мутақаббир бўлиб етишган эдики, натижада у отасини бақаришга, онасини кўз ёш тўкишга мажбур этиб, бундан хузур қиларди. Гўё йигитча у ҳақида тортишишганидан ҳўрсанд бўлар, хулқ-атворини тўзатиш ўрнига бирон-бир «жасорат» кўрсатиб, «Мана, қаранглар, мен сизларсиз ҳам кунимни кўра оламан» дея оладиган ишлар қилишни ўйларди. Рашид узу-кун интернет кафедан бери келмаса, ваҳшийлик таригиб қиладиган филмларни пинак бўзмай томоша қиларди. Тергаб туришлар унга қор қилмас эди. Энг ёмони, бола онасининг чўнтагини кавлайдиган ва тап тортмай ёлгон гапирадиган бўлди. Унинг мурғак тушунчаси фаҳш ва зулмор чет эл киноларининг таъсири билан бойган эди. У олдинлари дадаси эркалаб бериб турадиган майда пуллардан маҳрум бўлиб, анча-мунча қарзга ҳам ботганди. Узига тўқ оиладан бўлганлигига қарамасдан ҳар хил жойларда дайдиб юриб, дўконларда пул санаётганларни кўрса кўзлари олайиб кетарди.

Рашид шу кунларда қандай қилиб қўлга катта пул киритишни ўйларди.

\*\*\*

Илгари судланган Н. исмли шахс талончилик қилишда устаси фаранглардан эди. У ҳар қандай ўлжани қўлга киритиш учун бутун «истеъдодини» ишга соларди. Сиртдан қараганда хатти-ҳаракатлари шубҳа туғдирмаса-да, уни таниганлар «бу илоннинг ёғини ялаган»нинг қўлидан ҳар қандай иш келишини яхши билишарди. Шунинг учун Н. ҳеч ким уни танимайдиган туманларда жиноятга қўл урарди.

Такси ҳайдовчисига ҳужум қилиб, талончилик билан пул ва қимматбаҳо буюмларни қўлга киритиш унинг «услуги» бўлиб, аксарият ҳолларда кўпчиликининг кўзини шамғалат қилиб, жуфтаник ростилаб қоларди. Қўпичча жамоат жойларида кишиларнинг ожиз томонларидан фойдаланиб ишга киришарди. Каттароқ «ўлжани» қўлга киритиш учун шошмай режа тўзарди.

Бу сафаргиси ҳам анча-мунча «катта» иш. Бу тўманда ИИБ ходимлари Н. нинг пайдо бўлганини сезиб қолишса иш пачава бўлади, қўлга тушиб қолиши турган гап. Ер остида илон қимирласа сезадиган Н. режасини ўзгарирадиган

«Болаларингиз келажакда қароқчи бўлсин десангиз уларни эркалатинглар»

(Ҳанс Андерсеннинг «Қор маликаси» эртагидан).

# Жўрақ

ганликда айбдор деб топилиб, 2001 йилда 13 йилга озодликдан маҳрум этилди.

2004 йилда илгари судланмагани учун вояга етмагани ҳисобга олинми, амнистия акти туфайли озодликка чиқарилди.


Бу хушхабардан Рашиднинг ота-онасининг қувончлари чексиз эди. Эр-хотин фарзандининг жиноят кўчасига кириб кетганидан юзлари шувит бўлиб, маҳалладаги обрўсига путур етганди. Болани эркалатиб юборганларидан ўзларини ғуноҳкор ҳисоблаб юрган эдилар. Бу имконият Рашидга ўхшаган бошқа ўсмирларнинг ҳам ҳаётида янги бурилиш ясади.

Рашиднинг жиноий иши билан танишиб чиқиш арафасида профилактика инспектори билан анча суҳбатлашиб ўтирдик. Майор Толиб Зоиров менга вояга етмаганларнинг жиноят йўлига кириб кетиши сабабларига оид мулоҳазаларини айтиб берди.

— Ота-оналар ўзларидан ортиб чинакам фарзанд тарбиясига киришишлари лозим. Агар улар боланинг юриш-туришидан доим хабардор бўлиб туришса, кўнгилисизликлар содир этилиши эҳтимоли жуда камаяди. Масалан, менинг иш жараёнимни оладиган бўлсак, бизга бириктирилган Чилонзор тумани «Новэза» маҳалласида 6313 нафар аҳоли яшайди. Мен ҳизмат юзасидан уларнинг ҳаммаси билан озми-кўпми танишиб чиққанман. Бу ердаги вазифамни тушуниб турибман. Лекин шу ўринда бир нарсани айтиб ўтсам дегандим. Менга 6313 та фуқаронинг осойишталигини таъминлаш топширилган бўлса, мактабда синф раҳбарларига 30-35 та ўқувчининг тарбияси билан шуғулланиш топширилган. Энди яна ота-оналарга қайтаман. Ҳозирги кунда ҳар бир оилада икки, боринги беш нафар фарзанд бор дейлик. Кўриниб турибдики, ота-оналарчалик ўз фарзандини ақиндан биладиган ҳеч ким йўқ. Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган нақл бор. Ҳозирги кунда ўзига тўқ ҳисобланган оилаларнинг фарзандлари ҳам жиноятга қўл уриб, қамалиб кетишмоқда. Шундай экан, вояга етмаганлар тарбияси билан ота-она — синф раҳбари — маҳалла тарзида структуралли шуғулланишимиз керак, — деди майор Т.Зоиров.

Фарзанди тетапога қадам ташлаганида ер-у кўкка сигмай кетган ота-онанинг қувончини албатта тушунас бўлади. Аммо шу жараёнда унга доимо тўғри йўлдан юриш кераклигини уқтира олдикми?! Ҳеч нарсани унутмадикми? Болани меъридан ошириб эркалатиб юбормадикмики?!

Даврон РАҲАБ,  
журналист







## Фаластин мухторияти учун...

Якшанба кuni Сурия президенти Башар Асад Фаластин халқи ва Фаластин автономияси учун оммавий хайрия кампанияси ўтказилишига рухсат берди. Бу ҳақда ОАВга интервю берган Сурия вице-президенти Фаруқ Шаранинг таъкидлашича, яқин кунлар ичида мамлакат банкларида хайрия тадбири учун

хисоб-рақамлар очилади ва хоҳловчилар ушбу хисоб-рақамларга пул ўтказишлари мумкин бўлади. Банкларнинг реқвизитлари мамлакат ОАВда эълон қилиб турилади. Эрон ҳукумати эса Фаластин мухторияти учун 50.000.000 доллар ёрдам пули ажратишга тайёрлигини эълон қилган.

Эслашиб ўтамиз, Фаластин мухторияти бош вазири Исмоил Хония бир неча бор ХАМАС ҳукуматига олдинги ҳукуматдан бум-бўш газна мерос қолгани, АҚШ ва Европа Иттифоқи мухториятга иқтисодий кўмак беришдан бош тортгани сабабли мухторият иқтисодий инқироз ҳолатига келиб қолгани ҳақида баёнот берган эди.

## Бош Вазир тасдиқланди

Белоруснинг вакиллар палатаси президент Лукашенко томонидан тақлиф этилган Сергей Сидорский номзодини бош вазир лавозимига тасдиқлади. Маълумотларга қараганда, яширин овоз бериш жараёнида ушбу номзодни 105 та депутатнинг 103 таси қўллаб-қувватлаган. Сидорскийнинг ўзи депутатлар олдига сузга чиқиб, янги шакллантирилган ҳукуматнинг олдида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2006 — 2010-йилларга мўлжалланган дастурини жорий этиш вазифаси турганини таъкидлаган.

## Сайлов натижасидан норозилик

Украина Олий суди мамлакат парламентига бўлиб ўтган сайлов натижасини ноқонуний деб топиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқишни бошлади. Марказий сайлов комиссияга қарши кўрилатган бу ишга саккизта даъво аризаси киритилган. Якшанба кuni суд парламентдан ўрин ололмаган «Вече» партияси, Наталя Витренко, Юрий Кармазин, Владимир Литвин блокларининг аризаларини бир хил мазмунга эгаллиги боис бирлаштирди. «Интерфакс» агентлигининг хабарига қараганда, Кармазин ўз блоки номидан киритилган даъво-нинг атрофлича ўрганишни илтимос қилган. Даъвога кўра, Марказий



сайлов комиссияси сайлов натижасини баённомаларга асосан белгиланган. Аслида эса бунда чиқарилган қарорлар асос қилиб олинмиши лозим. Даъвогарлар Марказий сайлов комиссиясига мана шундай мажбуриятни юклаганини сўраган.



## Ядровий жанжал

«Америка сенаторлари АҚШ маъмуриятини Эрон билан тўғридан-тўғри музокара олиб боришга қарши», — дея хабар беради ВВС News.

Сенатнинг халқаро ишлар бўйича қўмитаси раиси Ричард Лугар Эроннинг энергосурслар таъминотидаги ўрнига алоҳида ургу берди. Лугарнинг фикрича, Эронга нисбатан санкция қўллашнинг ҳали вақти келгани йўқ. Сенатор Кристофор Додднинг баёнот беришича, АҚШнинг музокарага киришиши Эрон ҳукуматини қўллаб-қувватлашни ифодаламайди.

Маълумки, ўтган ҳафтада АҚШ давлат котиби Кондализа Райс хоним Эронга нисбатан қатъий чоралар кўриш лозим

лигини таъкидлаган эди. У ўз фикрига БМТ хартиясининг 7-бобидagi халқаро хавфсизликка таҳдид туғдирган давлатга нисбатан ҳарбий куч ишлатиш мумкинлиги ҳақидаги қондани асос қилиб келтирганди.

БМТ Хавфсизлик кенгаши Эроннинг уранини бойитиш ва ядровий тадқиқот ўтказишга оид дастурини бутунлай тўхтатиш ҳақида резолюция қабул қилган эди. Эрон ҳукумати бу талабни бажаришдан бутунлай бош тортди. Шунингдек, 11 апрел кuni Эрон Натанза шаҳрида уранини бойитишга мўлжалланган 164 та центрофугадан иборат ядровий марказни ишга туширганини эълон қилди.

«Ўтказилган экспертизада 1982 йили Дужайл қишлоғида оммавий қиргин ўтказишга оид ҳужжатларга Саддам Хусайннинг имзоси кўйилганлиги тасдиқланди», — дея хабар беради Associated Press агентлиги.

## Имзо тасдиқланди

Материаллардан кўринадики, ушбу қиргинбаротда иштирок этган Ироқ махсус хизмати ходимлари муқофотларга тақдим этилган. Ўтган ҳафтада бўлиб ўтган суд мажлисида Саддам Хусайн ва ўша вақтда Ироқ разведка хизматини бошқарган унинг ўқиси Барзан Тикрийт имзоларини экспертизага беришдан бош тортди.

Эслашиб ўтамиз, 1988 йили Ироқ армияси курдлар истиқомат қиладиган Халабиа шаҳри аҳолисига нисбатан қимёвий қурол ишлатгани оқибатида 5000 га яқин киши ҳаётдан кўз юмганди. Шу сабабли 4 апрелда Ироқ трибунали Саддам Хусайнни инсониятга қарши геноцид қўллаганликда айблаганди.


13 апрелдан 14 апрелга ўтар кечаси Чита вилоятидаги колониялардан бирида жазо ўтаётган «ЮКОС»нинг собиқ раҳбари Михаил Ходорковскийга номаълум шахс ҳужум уюштирган. Жабранувчининг адвокати Шмидтнинг хабар беришича, жиноятчи М.Ходорковский уйкуда эканлигидан фойдаланмоқчи бўлган. Кейинроқ тинтув вақтида ундан пичоқ, устара тортиб олинган. Адвокатнинг эътирозига кўра, маъмур буюмлар колонияда аслида сақланиши мумкин эмас. Аммо колония мутасаддиларининг лсқайдиги тўғайли бу ерга мана шундай буюмлар олиб кирилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди «ЮКОС»нинг собиқ раҳбари устидан қўзғатилган жиноят иши юзасидан Россия ҳукуматига махсус талабнома жўнатди. Ходорковскийнинг адвокати тўплаган материаллар талабномага асос қилиб олинган. Агар шикоят тасдиқланса, суд ишни қайта кўриши мумкин.

## АВТОБУС ҲАЛОКАТИ

Испаниянинг шимолий вилоятларидан бўлган Астурияда йирик автоҳалокат содир бўлди. Маълум бўлишича, катта тезликда кетаётган автобус об-ҳаво ёмонлиги тўғайли йўналишидан чиқиб кетган. «Дастлабки маълумотларга қараганда, 23 та йўловчи жараҳатланган, 3 таси эса ҳалок бўлган. 4 киши оғир аҳволда касалхонага ётқизилган», — дея хабар беради АРР агентлиги.

## Тайконавтлар ҳам қолишмайди



Хитойнинг «Шенчжу-6» космик кемаси олти ойдан сўнг ерга қайтиб тушди. Франс-пресс агентлигининг хабарига кўра, сайёраимзони 2920 марта айланган кема шанба кун парвозини яқунлаган. Кема экипажи миллий қаҳрамон сифатида кутиб олинди. Улар илмий ахборотларни йиғиш бўйича олдиларига қўйилган вазифани муваффақиятли бажардилар. Парвоз давомида космонавтлар бир қатор мураккаб тадқиқотларни амалга оширганлар. Хитой фазогирларининг навбатдаги парвози 2008 йилга мўлжалланаяпти. Ҳозирда муҳандислар «Шенчжу-7» космик кемасини қуришга киришдилар. Унинг бортида уч киши бўлиши мўлжалланмоқда. Таъкидлаш керакики, Хитой Россия ва АҚШдан сўнг мустақил равишда космосни забт этган мамлакат саналади.

## Россия ЖСТга қачон аъзо бўлади?

«Интерфакс» Россия 2007 йил мартдан бошлаб Жаҳон савдо ташкилотининг аъзоси бўлиши мумкинлиги ҳақида хабар тарқатди. Россия делегацияси раҳбари Максим Медведков бу йўналишдаги музокаралар 2006 йилнинг охиригача тамомланишига ишонч билдирди. Маълумки, Россия 1994 йилдан бери ЖСТга аъзо бўлишга ҳаракат қилиб келмоқда. Айни пайтга келиб фақатгина АҚШ, Колумбия ва Австралия билан битим тузишга эришиш Россиянинг ЖСТга аъзо бўлиши учун кифоя.

Яқинда Россия президенти АҚШ ҳукумати Россиянинг ЖСТга аъзо бўлиши билан боғлиқ музокараларни асосиз қўзаётганини танқид қилган эди. Россиянинг ЖСТга аъзо бўлиши учун жиддий талаблар қўяётган АҚШ яқиндан бошлаб Россиянинг Эронга нисбатан тутаётган позициясини ўзгартириши ҳам талаб қилган.

## Қирқ минг «камикадзе»

«The Sunday Times» газетасининг ёзишича, Эронда «камикадзе»лар батальони ташкил этилган бўлиб, ундан АҚШ ва Буюкбритания Тихрон ядровий объектига ҳужум уюштирган ҳолатда фойдаланилади.

Эрон ҳукумати вакиллари-нинг маълум қилишича, айни пайтда 40.000 «форс камикадзе» ўқу машгулотларини ўтаб, жанговар шай ҳолатга келган.

Ислоом инқилоби мудофиа кортиси стратегик тадқиқотлар маркази раҳбари Ҳасан Аббосийнинг эътирофича, «форс камикадзелари» нишонга олаётган объектардан айримлари мамлакат чегараларидан узоқ эмас. Бунда Ироқ ҳудудидagi инглиз-америка ҳарбий базалари назарда тутилмоқда.

Эслашиб ўтамиз, шундай махсус бўлишмалар ҳақидаги дастлабки хабарлар 13 феврал кuni Тихронда ўтказилган ҳарбий параддан кейинроқ тарқатилган эди.

## «Қизил хакерлар»нинг ҳужуми

Worldtribune.com «Қизил хакерлар қўшини» сўнгги пайтларга келиб АҚШ ҳукумати сайтларига тез-тез ҳужум уюштираётгани ҳақида маълумот тарқатган.

АҚШ расмийларидан бирининг хабар қилишича, хитойлик ватанпарвар хакерлар ташкил этган «Қизил хакерлар» компьютер тармоқлари хавфсизлигини таъминлаш ташкилоти» сифатида фаолият кўрсатаётган бўлса-да, улар АҚШ ҳукумати компьютер тармоқларидаги базаларга киришга уринишмоқда.

Хориж журналистлари тарқатган хабарда айтилишича, фарб давлатларидаги кўплаб хакерлик гуруҳларидан фарқли равишда «Қизил хакерлар қўшини» Хитой ҳудудида эркин фаолият юритиб, талабгорларнинг хакерлик курсларида сабоқ олишлари-га кўмаклашиб келмоқда.




Саҳифани интернет хабарлари асосида Ш.Ёдоров тайёрлади

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин!

Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Фарида Ҳақбердиевага волидаи муҳтарамаси **БИБИНИСО** аянинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Навоий вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг ўринбосари Ҳиммат Оқбўтаевага волидаи муҳтарамаси **ХОЛБИБИ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Қашқадарё вилоят прокуратураси жамоаси Қарши туман прокурори Малика Ҳақбердиевага волидаи муҳтарамаси **БИБИНИСО** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



Жанубий Корея. Бугунги Сеул шаҳри.

